

“ТАСДИҚЛАНДИ”

Ўз ММИ ДМ директори

Л.Ф.Сайдорипов

“ ” 2021 й.

**КҚҚ МТ П-03 «КҚҚ МТ ички аудит текширувини бошқариш
процедураси»**

Мазкур ҳужжат Ўз ММИ ДМ ички ҳужжатлари таркибига киради. Ҳужжатнинг тўлигича ёки алоҳида қисмлари нусхаларга қўпайтирилиши, шунингдек, КҚҚ менежмент тизими бўйича жавобгар рухсатисиз корхона ходими ҳисобланмаган бегона шахсларга берилшишига рухсат берилмайди. Киритиладиган ўзгартишилар, фақат, ҳужжатнинг асли ва рўйхатга олинган нусхаларидағина қайд қилиниши лозим.

Вазифа	Лавозим	Имзо	Сана	И.Ш.Ф.
Ишлаб чиқди:	Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” Хизматининг бош мутахасиси			Хомидов.Ш.З
Келишилди:	Директор ўринbosари			Джалилов.М.Б
	Юридик бюро			Ҳакимов. Х

Ҳужжат коди

КҚҚ МТ П -03

Амал қилиш
муддати

дан

гача

Узайтирилди

гача

МУНДАРИЖА

1. ЎЗГАРТИШЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ВАРАФИ.....	4
2. ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАН МАҚСАД.....	5
3. ҚИСҚАРТИШЛАР, АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.....	5
4. ЖАВОБГАРЛИКЛАР.....	5
5. ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ҚОИДАЛАРИ	6
5.1. Аудит принциплари.....	
5.2. Ички аудит дастурини ишлаб чиқиш	
5.2. Аудитни режалаштириш.....	7
5.3. Аудитни ўтказиш.....	7
5.4. Аудит бўйича ҳисобот тайёрлаш.....	7
5.5. Ички аудиторларга талаблар.....	7
6. САҚЛАШ	8
7. ПРОЦЕДУРА БЎЙИЧА ЙОРИТИЛАДИГАН ЁЗУВЛАР.....	8

1. ЎЗГАРТИШЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ВАРАГИ.



O'ZBEKISTON
MILLIY METROLOGIYA
INSTITUTI
UzNIM

Ўз ММИ ДМ хужжатлаштирилган маълумотлари

КҚК МТ П-03

Таҳрир №: 01

варақ 4, жами
23

**КҚК МТ ички аудит текширувини бошқариш
процедураси**

2. ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАН МАҚСАД.

Мазкур ҳужжат, ISO 37001 Халқаро стандартининг 9.2 банди талаблари асосида ишлаб чиқилган ва ҳужжатни ишлаб чиқишидан мақсад, ички аудитни режалаштириш, ўтказиш ва натижасини ҳужжатлаштиришдаги тартиб, қоидаларни, тегишли жавобгарликлар, ҳамда ваколатларни белгилашдан иборат. Шунингдек ҳужжатда, тизим ички аудитини ўтказиш учун зарур ресурсларни аниқлаш ва таъминлаш қоидалари, ҳамда ички аудиторларга нисбатан талаблар белгиланган.

3. ҚИСҚАРТИШЛАР, АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.

Агентлик	“Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш” агентлиги
Ўз ММИ ДМ	“Ўзбекистон миллий метрология институти” Давлат Муассаси
Аудит	Фаолиятнинг, белгиланган “Аудит мезонларига нисбатан” мувофиқлик даражаси объектив баҳоланиши учун, “аудит маълумотларини” берувчи тизимли, мустақил ва ҳужжатлаштирилган жараён
Аудит мезони	Ҳавола кўринишида қўлланиладиган, сиёsat, процедура ёки талаблар йиғиндиси
Аудитор	Аудит ўтказиш учун лаёқатли бўлган шахс
Аудит дастури	Белгиланган вақт оралиғида режалаштирилган ва белгиланган мақсадларга эришиш учун мўлжалланган бир ёки бир нечта текширувлар тўплами
Аудиторлик далиллари	Ёзувлар, фактлар баённомалири ёки аудит меъзонларига мос келадиган ва текширилиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар
Мувофиқлик	Белгиланган талабларнинг бажарилганлиги
Номувофиқлик	Белгиланган талабларнинг бажарилмаганлиги
Коррекция	Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун амалга ошириладиган ҳаракат
Тўғирловчи ҳаракат	Номувофиқлик сабабларини бартараф этиш ва унинг тақрорланишига йўл қўймаслик учун қилинадиган ҳаракат
Аудиторлар гурухи	Заруратга кўра техник эксперт жалб қилган холда текшируv ўтказувчи бир ёки бир нечта аудиторлар
Аудит режаси	Текширилиши лозим фаолият турлари ва аудит ўтказиш куни, вақти, аудитор Ф.ИШ. ва текширилиши лозим ҳисобланган мезонлар, ҳамда стандарт бандлари аниқ кўрсатилган, келишилган ва тасдиқланган ҳужжат
Аудит доираси	Аудит текширувига киритилган фаолиятлар
КҚҚ МТ	Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI <small>UzNIM</small>	Ўз ММИ ДМ хужжатлаштирилган маълумотлари КҚК МТ ички аудит текширувини бошқариш процедураси	КҚК МТ П-03 Таҳир №: 01 варақ 6, жами 23
---	---	---

4. ЖАВОБГАРЛИКЛАР.

Ушбу процедура талабларини бажариш учун Ўз ММИ ДМ нинг қўйидаги ходимлари жавобгар ҳисобландилар:

- 1. Бош аудитор (КҚК МТ менежерининг ўзига юклатилиши ҳам мумкин):**
 - аудит режасини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва бўлимларга тарқатиш;
 - аудит сўрвномаларини ўз вақтида ишлаб чиқилишини назорат қилиш;
 - аудиторлик кенгашининг очилиш ва ёпилиш мажлисларини ўтказиш;
 - ички аудит жараёнини ички аудит режасига асосан ўтказилишини таъминлаш;
 - аниқланган номувофиқликларни сабабларини аниқланишини назоратга олиш;
 - коррекция, тўғирловчи ҳаракатлар ва аниқланган номувофиқликларни ўз вақтида ёпилишини назорат қилиш;
 - аниқланган номувофиқликларни бартараф қилиш юзасидан амалга оширилган коррекция ва тўғирловчи ҳаракатларнинг самарадорлигини кейинги аудитларда назоратга олиш;
 - ички аудит бўйича ҳисботларини ўз вақтида тайёрлаш ва тақдим этиш.

- 2. Ўз ММИ ДМ КҚК МТ ички аудиторлари:**

- аудит саволномаларини ўз вақтида ишлаб чиқиш;
- ички аудит режасига асосан аудитни ўтказиш;
- аудит жараёнида аудиторлик этикасига риоя этиш;
- аудит жараёнида номувофиқликларни аниқлаш ва аудит ҳисботи формасини тўлдириш;
- аниқланган номувофиқликларни бартараф қилиш юзасидан амалга оширилган коррекция ва тўғирловчи ҳаракатларнинг самарадорлигини кейинги аудитларда мониторинг қилиш;

- 3. жараён, бўлимлар раҳбарлари ёки мутахассис ходим:**

- топилган номувофиқликларни туб сабабларини аниқлаш;
- коррекция ва тўғирлаш ҳаракатларини ўз вақтида амалга ошириш;
- коррекция ва тўғирлаш ҳаракатларини амалга оширилганлиги тўғрисида ўз вақтида ахборот бериш;

Ўз ММИ ДМ нинг юқорида қайд қилиб ўтилган ваколатли шахслари ўзларига бириктирилган вазифалар ва мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслиги Ўз ММИ ДМ нинг ички меҳнат тартиб қоидаларида белгиланган тартибда интизомий чораларга тортилишига сабабчи бўладилар.

5. ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ҚОИДАЛАР.

5.1 Аудит ўтказиша риоя қилиниши лозим ҳисобланган асосий принциплар:

Бир хиллик принципи – ҳар бир аудит, Ўз ММИ ДМ да ўрнатилаган ягона тартиб (процедура) бўйича ўтказилиши лозим.

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI <small>UzNIM</small>	Ўз ММИ ДМ хужжатлаштирилган маълумотлари КҚҚ МТ ички аудит текшируванини бошқариш процедураси	КҚҚ МТ П-03 Таҳрир №: 01 варақ 7, жами 23
---	--	--

Тизимлилик принципи – бирор-бир элемент, фаолият ёки иш бўйича аудит ўтказиш режалаштирилганида ва амалга оширилганида, уларнинг бошқа жараёнлар билан ўрнатилган, ўзаро алоқалари ҳам эътиборга олиниши лозим.

Хужжатлаштириш принципи – текширилган ҳар-бир объект ҳолати бўйича маълумотларнинг сақланишини ва амалдаги ҳолатнинг олдингилари билан таққослашини таъминлаш мақсадида, аудит натижаси белгиланган тартибда хужжатлаштирилади.

Огоҳлантирув принципи – аудит текширувига етарлича тайёрланиши ва талаб қилинадиган маълумотларни тўлиқ кўрсатишлари ва намойиш қилишларига имконият яратиш мақсадида, ҳар-бир аудит режалаштирилади ва текширилувчи **бўлим** ходимлари олдиндан, аудит мақсади, соҳаси, ўтказилиш куни, вақти ва аудит ўтказиш услуби билан таништирилади.

Доимийлик принципи – КҚҚ МТ нинг барча элементлари ва барча бўлимлар фаолиятлари Ў ММИ ДМси томонидан доимий равишда назорат қилиниши ва баҳоланиб боришлигини таъминлаш мақсадида, аудит белгиланган муддатлар оралиғида доимий равишда ўтказилади.

Мустақиллик принципи – аудит натижасининг ҳаққоний эмаслиги олди олиниши мақсадида, аудит ўтказувчи, текширилаётган ишга (алоқаси) ўзи жавобгар бўлмаслиги, ёки, текширилаётган бўлим раҳбарига тобе бўлмаслиги лозим.

Очиқлик принципи – ҳар-бир аудит натижаси очиқ характерга эга бўлиши керак.

5.2 Ички аудитлар дастурини ишлаб чиқиш.

- **Аудит дастури** - талабга асосланиб белгиланган мақсадларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим:

- Ўз ММИ ДМ марказий аппарати ва худудий филиаллар раҳбарлари ҳамда тизим бўлимлариниг амалдаги фаолияти, халқаро стандарт ISO 37001 талабларига мувофиқ эканлиги тўғрисидаги далилларни тайинлаш;
- ҳар-бир бўлимда КҚҚ МТ нинг яхшиланишига ҳисса қўшиш.

Дастурда қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда, аудитларни ўтказиш муддатлари ва текширилиши лозим ҳисобланган фаолият турлари (бўлимлар) ҳам белгиланиши (режалаштирилиши) лозим:

- жараён иштирокчилари сони ва жараённинг мураккаблиги;
- жараённинг иш сифати (белгиланган натижавийлик кўрсатгичларига эришиш имконияти);
- олдинги аудитда аниқланган номувофиқликлар сони ва уларнинг муҳимлигига қараб;

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI <small>UzNIM</small>	Ўз ММИ ДМ хужжатлаштирилган маълумотлари КҚҚ МТ ички аудит текшируванини бошқариш процедураси	КҚҚ МТ П-03 Таҳрир №: 01 варақ 8, жами 23
---	--	--

- жараённинг муҳимлиги, яъни жараён натижасининг Ўз ММИ ДМ обрўсига таъсири, жараёндаги таҳликаларнинг катта кичикилиги, кўплиги ёки камлиги кабиларни эътиборга олган ҳолда.

Юқоридаги талабларни эътиборга олган ҳолда, Ўз ММИ ДМ марказий аппарати ва худудий филиаллар раҳбарлари, бўлимлар мутахассис, ишчи ходимлари фаолияти, КҚҚ МТ нинг ҳар бир жараёни ва жараён қатнашчилари фаолияти **йилига 1 мартадан кам бўлмаган** сонда текширилиши лозим.

Ҳар йилнинг 31 декабригача **КҚҚ МТ менежери П-03 Ф1** шаклда, аудит ўтказишнинг йиллик дастурини ишлаб чиқиши зарур.

Аудит бўйича дастур **Ўз ММИ ДМ директори** томонидан тасдиқланади ва марказий аппарат ҳамда худудий филиаллар бўлимлари раҳбарларига, шунингдек ички аудиторларига танишиб чиқиш учун етказилади.

Дастурнинг, тегишли манзилларга етказилиши ва улар томонидан таниширилиши **КҚҚ МТ менежери** томонидан амалга оширилади.

5.3 Аудит ўтказишнинг мезонлари.

Аудитни ўтказиш мезонлари қуйидагилар ҳисобланади:

- КҚҚ МТ нинг ISO 37001 стандарти талабларига мувофиқлиги;
- фаолиятда қўлланиладиган қонунунлар ва бошқа меёрий хужжатлар талаблари ;
- фаолиятдаги ички ва ташқи регламент ҳужжатлар, шу жумладан КҚҚ МТ да ишлаб чиқилган ҳужжатлар талаблари;
- шартномалар талабларига мувофиқлик (мижозлар талаблари);
- Ўз ММИ ДМ хизмати сифатини ошириш, хизмат турларини кўпайтириш, ҳамда фаолиятда содир қилиниши эҳтимоли мавжуд коррупцияга оид қонунбузарликларга йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, уларнинг натижавийлиги;
- ва бошқа мезонлар.

5.4 Аудит ўтказиш.

Аудитни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий босқичлари схема шакли.



5.4.1 Аудитни режалаштириш.

• **Аудиторлар гурухини тузиш.** Ўз ММИ ДМ бўйича бош аудитор, ҳар бир ўтказиладиган аудит учун Ўз ММИ ДМ директори буйруғига асосан тайинланади. Аудиторлар гурухини тузиш КҚҚ МТ менежери зиммасига юклатилган. КҚҚ МТ менежери ва бош аудитор, аудиторлар ишини ташкиллаштириш ва аудит текшируванинг ўтказилиши бўйича барча масалалар ечилишига жавобгардирлар. Ўтказилган аудит текширувлари натижасига кўра бош аудитор, Ўз ММИ ДМ бўйича доимий бош аудитори сифатида ҳам тайинланиши мумкин.

- Аудиторлар ўзлари ишлайдиган бўлимларда аудит текшируванини ўтказмасликлари лозим.
- Аудит ўтказиша, белгиланган мақсадларга эришиш учун, аудиторларнинг билими ва қобилияти аниқланиши лозим. (Аудиторлар қобилияти ва малакасига нисбатан белгиланган талаблар, ушбу процедуранинг **6.5 бандида кўрсатилган**).
- **Аудит режасини ишлаб чиқиши.** КҚҚ МТ менежери, ёки, (бош аудитор - тайинланган бўлса) **П-03 Ф3** шаклида аудит ўтказиш режасини ишлаб чиқиши лозим.

Аудит режасининг тузилиши (аудит муддати ва мезонларнинг белгиланиши), аудит ўтказиш области ва мураккаблигига боғлик.

Аудит режасида қуйидагилар ифодаланиши лозим:

- аудит мақсади;
- аудит мезонлари ва қўлланиладиган ҳужжатлар;
- текширилиши керак бўлган бўлимлар ва жараёнлар – аудит области;
- аудит ўтказиладиган участкалар ва аудит ўтказилиш санаси;
- аудит ўтказишга режалаштирилган вақт ва аудитнинг давомийлиги, (аудиторлар группаси йиғилишларига кетадиган вақтларни ҳам ҳисобга олгаган ҳолда);
- аудит гурухи аъзоларининг (бўлим томонидан тайинланган кузатувчилар) жавобгарлиги;
- аудит ўтказиш учун зарур ресурслар билан таъминлаш (мисол учун: автотранспорт).

Аудит режаси Ўз ММИ ДМ директори томонидан ўрганилиб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим.

Тасдиқланган аудит режаси, аудит текшируви бошланишидан камида 7 кун олдин барча текшириш ўтилиши лозим бўлган бўлимларга тарқатилиши орқали хабардор қилиниши лозим.

- **Ишчи ҳужжатларни тайёрлаш.** Ички аудит ўтказилишидан олдин, аудиторлар гурухи (П-03 Ф4) шаклда “сўроқнома” ишлаб чиқишлиари **тавсия** қилинади.

“Сўроқнома” да қуйидаги маълумотлар ифодаланиши мумкин:

- аудит ўтказиш санаси;
- аудитор фамилияси;
- текшириш ўтказиладиган бўлим номи;
- саволлар;
- савол тузилган стандарт бандларининг ракамлари;
- аудиторнинг (аудит натижаси) саволларга олинган жавоблари, кузатув натижаларини қайд қилиши ва лозим бўлса олдиндан номувофиқликни қайд қилиши учун қолдирилган бўш жой.

Барча тўлдирилган “сўроқномалар” аудит ҳужжатлари таркибига кириб, текширув ўтказилиб бўлганидан кейин сақланиши лозим. Бу, тўлдирилган “сўроқномалар”, аудит текширувида номувофиқликлар аниқланмаган ҳолатлар учун, аудит текшируванинг ўтказилганлигини тасдиқловчи далилий ҳужжат ҳисобланади (номувофиқлик мавжуд бўлимлар учун, аудит ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида “номувофиқлик баённомаси” ҳисобланади).

- **Номувофиқлик баённомаси.** Аудитга тайёргарлик кўриш жараёнида, (П-03 Ф5) шаклда номувофиқлик баённомасини олдиндан тайёрлаб қўйиш лозим.

<p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</p>	<p>Ўз ММИ ДМ хужжатлаштирилган маълумотлари</p> <p>КҚҚ МТ ички аудит текширувини бошқариш процедураси</p>	<p>КҚҚ МТ П-03</p> <p>Таҳрир №: 01</p> <p>варақ 11, жами 23</p>
---	--	---

Баённома КҚҚ МТ менежерида ёки бош аудиторда сақланиши лозим. **Аудит ўтказилаётган вақтда баённоманинг тўлдирилиши тавсия қилинмайди.**

Баённома, аудит текшируви режасига асосан тўлиқ якунланганидан кейин аудиторларнинг ёпиқ мажлисида барча аудиторлар, шунингдек, бош аудитор билан келишилган ҳолда, номувофиқлик тўлиқ тасдиқлангандан кейин, улар томонидан тўлдирилиши лозим.

5.4.2 Фаолиятни текшириш (аудит ўтказиш).

- Кириш йиғилиши.** Ўз ММИ ДМ директори, бош аудитор ва аудиторлар гурихи аъзоларини ходимларга таништириши, аудит режаси, аудит ўтказиладиган соҳа ва бошқа ташкилий масалалар билан келишиб олиш мақсадида, аудит бошланишидан олдин кириш йиғилиши ўтказиши лозим.

Кириш йиғилишини КҚҚ МТ менежери ёки тайинланган бош аудитор олиб боради.

- Йиғилиш жараёнида гурӯҳ қуйидагиларни бажариши лозим:
 - аудит текшируви ўтказилишини тасдиқлаши, аудит ўтказиш услуби ва аудит натижаларининг раҳбариятга тақдим қилиниши қоидаларини тушинтириши лозим;
 - шунингдек, аудиторлар гуруҳи, кун натижаси бўйича, кун якунидаги йиғилиш ўтказадими ёки бу маълумотлар якуний йиғилишда таҳлил қилинадими, аниқлаб олиши керак;
 - аудит бўйича юритиладиган ҳисоботлар билан таништириш (номувофиқлик баённомаси, асосий ҳисбот ва бошқалар.);
 - аудиторларнинг, аудит ўтказиш бўйича иш усусларини аниқлаш;
 - аудит текширувининг амалга оширилаётган хизматлар сифатини таъминлашда, умуман, Ўз ММИ ДМ фаолиятини яхшилашдаги аҳамиятини мажлис қатнашчиларига тушинтириши;
 - ходимларни аудит ўтказиш режаси ва маршрути билан таништириши;
 - аудиторлар гуруҳи ва текширилувчи бўлимлар ходимлари ўртасидаги аудит бўйича мулоқат тартиби ва қоидалари билан таништириши;
 - лозим бўлса, аудитолар гуруҳини зарур ресурслар билан таъминланиши (масалан транспорт ёки узоқда жойлашган обьектларга бориш учун транспортлар учун чипталар ва иш сафари харажатлари);
 - якуний мажлис ўтказилиши санаси, вақти, давомийлиги, қисқача, мазкур мажлисни ўтказишдан мақсад аудит текширувини ўтказиш қоидалари билан таништириши;
 - мажлис қатнашчиларига аудит режаси ва қоидалари бўйича саволлар беришларига имкон бериши ва зарур бўлса режага ўзгартериш киритиши.

Кириш мажлиси натижаси бўйича, ўтказилган кун санаси ва қатнашчилар кўрсатилиб баённома тузилиши лозим.

- Маълумотлар йигиши (аудит).** Аудит жараёнида, аудит мақсади, соҳаси ва мезонлари, шунингдек, бўлимлар ва жараёнларнинг вазифаларни бажаришдаги ўзаро алоқалари бўйича маълумотлар йигилиши ва текширилиши лозим. Текширув натижаси бўйича, белгиланган тартиб асосида баённома тузилиши лозим.

**Маълумотлар йигишидан - ўтказилган аудит натижаси бўйича хulosса қабул
қилинишигача бўлган, жараён схемаси.**



- Аудитор, фаолият юритишида зарур ҳисобланган КҚҚ МТ хужжатларининг мавжудлиги, уларнинг ишчи ҳолати (актуаллиги), сақлаш шароитларини текшириши лозим:
 - хужжатларнинг идентификатланиши;
 - хужжатларнинг актуаллиги (амал қилиш муддати, таҳрири);
 - хужжатларнинг Халқаро стандарт ISO 37001 талабларига мувофиқлигини;
 - процедура хужжатларининг тўлиқлигини.
- Аудитор, КҚҚ МТ хужжатлари ва Халқаро стандарт талабларининг бажарилишини текширишида қуидагиларни ҳам эътиборга олиши лозим:

**КҚК МТ ички аудит текширувини бошқариш
процедураси**

- зарур меъёрий ҳужжатлар (қоғоз, электрон шаклдаги) жойларда мавжудлиги (бўлимларнинг зарур ҳужжатлар билан таъминланганлиги) ва текширилаётган жараён фаолиятининг КҚК МТ ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини;
- мувофиқлигини тасдиқловчи ёзувларни;
- хизматни амалга оширишда фойдаланиладиган этalon, наъмуна ўлчаш ва синов ишларини ўтказиш воситалари, техника ва механизмлар, шу жумладан офис жихозлари хам, электрон дастурлар ва иш ўринлари ҳолати (ишни амалга ошириш учун белгиланган мухит) ва улар бўйича қайд қилинган маълумотлар билан танишиш;
- жараёнлар қандай назорат қилинаябди, жараёнлар натижавийлиги ўлчанишининг белгиланган кўрсаткичларга мувофиқлиги ва тўғрилигини текшириш;
- ходимлар малакаси, уларнинг жавобгарлиги ва ваколатларини;
- жараёнлар эришган натижа кўрсаткичлари ва уларнинг тенденцияси бўйича маълумотлар қандай таҳлил қилинаябди;
- меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши;
- жараёнларни яхшилаш имкониятлари бўйича маълумотларни;
- жараёнлар фаолиятларини яхшилаш бўйича амалларнинг бажарилиши (тўғрловчи амаллар);
- Аудитор аудит текширувини ўтказиша қўйидаги иш усулларини қўллаши мумкин:
 - кузатув (аудит жараёнида аниқ, объектив далилларни белгилаш);
 - сўров (аудит жараёнида текширилувчидан саволларга тўлиқ жавоблар олиш);
 - далил (бирор-бир ҳолатнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини рад қилиб бўлмайдиган даражада кўрсатилиши);
 - таҳлил (ҳолатнинг белгиланган тартибда, батафсил ва тўла ўрганилиб чиқилиши;
 - баҳолаш (текширилувчининг белгиланган талабларга мувофиқлик даражасини аниқлаш).
- Аудит ўтказиша аудитор, сұхбатдоши тушунмайдиган атамалардан фойдаланмаслиги лозим.

● Иш жойларидаги, аудит бўйича олиб бориладиган сұхбатлар қисқа бўлиб чўзилиб кетмаслиги керак. Олдин, иш хонасида, яъни кабинетда, зарур сұхбатлар олиб борилиб ҳужжатлар билан танишиб чиқилиши мумкин.

● Аудит пайтида, аниқланган номувофиқликлар, аудитор томонидан ишлаб чиқилган сўроқнома (П-03 Ф4) да, стандартнинг қайси бандига

тегишлилигини белгилаш мақсадида стандарт ёки бошқа меъёрий хужжатлар бандлари кўрсатилиб қайд қилиниб борилиши лозим.

- Суҳбат якунида, аудитор, олинган маълумотлар бўйича якуний хulosса чиқариши ва бу маълумотларнинг муҳимлигини белгилаши керак. Сўроқномада қайд қилиб борилган ёзувлар билан, (зарур бўлса) текширилувчининг таништирилишига рухсат этилади.

- Аудит жараёнида маълумотлар алмасиши.**

- Аудит соҳаси ва аудит текшируви мураккаблигига қараб, аудит жараёнида аудиторлар ва бosh аудитор ўртасида маълумотлар алмасиши зарурати туғилиши мумкин.
- Аудиторлар гуруҳи, ўтказилаётган текширув ҳолатини баҳолаб боришлари, зарур бўлса, гуруҳ иштирокчилари вазифаларини қайта белгилашлари бўйича маълумотлар алмасиши мақсадида ҳар кун якунида йиғилиш ўтказиб боришлари мумкин.
- Аудит жараёнида, аудиторлар гуруҳи кун якуни бўйича бosh аудиторга оғзаки ҳисобот беришлари, бosh аудитор эса, айниқса, тезлик билан бирор бир чора кўрилиши зарур ҳисобланган ҳолатлар бўйича маълумотларни Ўз ММИ ДМ директорига етказиши лозим.

- Аудиторлар йиғилиши.**

- Аудиторлар гуруҳи, аниқланган номувофиқликларни таҳлил қилишлари ва бу номувофиқликлар бўйича баённомалар тузишлари мақсадида йиғилишлари лозим. Йиғилишда, фақат аудиторлар гуруҳи иштирок этади ва текширилувчи бўлимлар вакилларининг иштирок этишига рухсат берилмайди.
- Бош аудитор, барча аудиторлар билан биргаликда баённома (**П-03 Ф5**) ни тўлдирадилар.
- Баённомадаги номувофиқликни ифодаловчи маълумотлар, нафақат текшириш пайтида иштирок этган ходимга тушунарли бўлиши, балким, бу маълумот, мазкур номувофиқликни бартараф этишда (тўғриловчи амалларни бажаришда) иштирок этиши мумкин бўлган бошқа ходимларга ҳам тушунарли қилиб тузилишлиги эътиборга олиниши лозим.

- Шуларни эътиборга олиб, баённомада қуйидаги далиллар қайд қилиниши зарур:

- нима аниқланди;
- қаерда аниқланди;
- номувофиқлик нимадан иборат;
- Халқаро стандарт ISO 37001 ёки бўлим фаолиятида қўлланилаётган бошқа хужжатлар бандига ҳавола;
- ким қатнашди (текширилувчи).

КҚҚ МТ ички аудит текширувини бошқариш процедураси

- Номувофиқлик бўйича маълумот қисқа, содда ва бу номувофиқликни бартараф қилиши учун текширилувчига тўлиқ тушунарли бўлмоғи лозим.
- Аудит натижаси тўлиқ ва тўғри ифодаланиб ва текширилувчи томон билан келишиш имзолари қўйилгандан кейин, бу ҳақдаги маълумотларни яқуний мажлисда Бosh аудитор Ўз ММИ ДМ ходимларига етказиш, яъни уларни таништириш мумкин.

• Яқуний мажлис.

- Бosh аудитор аудит натижаси бўйича яқуний мажлисни ўтказиши лозим. Аудит текшируvida ҳамкорликклари ва текшируvни ташкиллаштирганликлари, зарур шароитларнинг яратилганлиги ҳамда, аудит жараёнида актив иштирок этганликлари учун барча ходимларга аудиторлар гурӯҳи номидан миннатдорчилик изҳор қилиниши зарур (бунинг акси бўлган ҳолатларда ҳам!).
- Мажлис қатнашчиларига аудиторлар гурӯҳи таништирилади (заруриятга қараб) ва 2-3 дақиқа қисқача, яқуний мажлисни ўтказиш мақсади бўйича тушунтирилади.
- Аудит текшируви ўтказилишининг мақсади ва аудит соҳаси тушунтирилиши тавсия қилинади, айниқса, яқуний мажисда, кириш мажлисида қатнаша олмаган раҳбарлар ва ходимлар иштирок этаётган бўлса.
- Шундан кейин, албатта олдин яхши томони, яъни, Ўз ММИ ДМ марказий аппарати ҳамда худудий филиаллар бўлимлари фаолиятидаги режалаштирилган кўрсаткичларнинг амалга оширилиши, яхшиланиши кўрсатилиб, кейин эса, (иложи бўлса, шахсан ҳар бир аудиторнинг ўзи) аниқланган номувофиқликлар бўйича маълумот берилади.
- Мажлис сўнгида, бosh аудитор, аудит бўйича умумий хулоса чиқаради ва мажлисни яқунлайди.
- Мажлис давомида, барча номувофиқликлар бўйича тузилган баённома имзоланиши ва текширилувчи томон вакилларига қўшимча саволлар беришларига имкон берилиши зарур (узоқ манзилда жойлашган худудий филиалларга номувофиқлик баённомаси тузилиб, аудиторлар томонидан имзоланганидан кейин, хужжатнинг PDF нусхаси, бўлимлар ва худудий филиаллар ўртасида ҳужжатларни етказишида қўлланилаётган қулай усулда амалга оширилади).
- Номувофиқликларни бартараф этишга ишлаб чиқилган тўғриловчи амалларни бажариш муддатлари белгиланади.
- Яқуний мажлис ўтказилиши бўйича баённома тузилиши зарур.

5.5 Таҳлил ва тўғриловчи амалларни ўтказиши.

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI <small>UzNIM</small>	Ўз ММИ ДМ хужжатлаштирилган маълумотлари КҚҚ МТ ички аудит текшируванини бошқариш процедураси	КҚҚ МТ П-03 Таҳрир №: 01 варақ 16, жами 23
---	--	---

Барча рўйхатга олинган номувофиқликлар, текширилган бўлим томонидан тўғриловчи амалларнинг зарурлиги даражасини аниқлаш учун таҳлил қилиниши керак. Агар аниқланган номувофиқликларни бартараф қилиш, тўғриловчи амаллар бажарилишини талаб қилса, унда тегишли бўлимлар раҳбарлари ёки КҚҚ МТ менежери (тайинланган бўлса бош аудитор) тўғриловчи амаллар тадбирлари режасини тузади. Тўғриловчи амалларни **П-08** процедурасига мувофиқ бажариш керак. Номувофиқликларни бартараф қилиш муддати текширилган бўлим/жараён томонидан таклиф қилиниши керак.

5.6 Тўғриловчи амалларнинг бажарилишини текшириш.

- Ички аудитнинг чиқиш маълумотлари қуйидагилардан иборат:
 - аудит натижалари;
 - тўғриловчи амалларнинг бажарилишини текшириш;
 - тўғриловчи амалларнинг долзарблиги ва самарадорлиги;
 - ички текширишлар жараёнининг самарадорлиги.
- КҚҚ МТ менежери (ёки бош аудитор) томонидан муддатнинг узайтирилишини ҳам хисобга олганда, тўғриловчи амалларни тугатиш учун кўзда тутилган муддат тугагач, аудитор кўрилган тузатишларнинг натижавийлиги ва бажарилишини текшириш учун назорат (режадан ташқари) аудит ўтказиши ва номувофиқлик тўғрисидаги хисоботни ёпиши керак, номувофиқлик тўғрисидаги хисобот (баённома)нинг асли КҚҚ МТ менежерида, нусхаси текширилаётган бўлимга берилиши керак.

5.7 Аудиторлар малакаси.

- **Аудитор малакаси бўйича талаблар.** Аудитор қуйидагиларни билиши лозим:
 - мазкур процедура талабларини ва аудит усулларини, шунингдек, аудит принципларини қўллашни;
 - аудит текширувани режалаштириш ва унинг ўтказилишини ташкиллаштиришни;
 - аудит текширувани белгилangan муддатларда ўтказишни;
 - масаланинг муҳимлигини ажратиб билишни;
 - сўроқлар, кузатув ва ёзувлар, ҳамда мавжуд маълумотларни ҳам эътиборга олган ҳолда аудит натижаси учун зарур маълумотларни йига олишни;
 - йифилган маълумотларнинг тўғрилигини баҳолашни;
 - аудит натижаси бўйича йифилган маълумотларнинг аудит текшируванини якунлаш учун етарли ёки етарли эмаслигини баҳолашни;
 - аудит натижаларига таъсир қилиши мумкин бўлган маълумотларни ажратиб билишни;

- аудит бўйича амалга оширилган харакатларни қайд қилишда хужжатлардан фойдалана билишни;
- аудит бўйича ҳисобот тайёрлашни;
- олинган маълумотларни сир сақлай билишлиги ва бошқалар.

Бош аудитор ва аудиторлар малакаси бўйича белгиланган асосий талаблар **П-03 Ф2** шаклда белгиланган.

• Аудиторлар малакасининг белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш.

Аудиторлар гурухи ва гурух (бош аудитор) ни баҳолашни режалаштириш, амалга ошириш ва маълумотларни қайд қилиш **П-03 Ф2** шаклда олиб борилиши лозим.

Баҳолаш жараёни натижасида аудиторлар билими ва қобилиятларини оширишга бўлган талаб аниқланмоғи лозим.

Аудиторларни баҳолаш қўйидаги этапларда амалга оширилади:

- аудитор бўлишни хоҳловчи ходимларни бирламчи баҳолаш;
- аудиторлар гурухини тузиш мақсадида аудиторларни баҳолаш;
- уларнинг билим ва қобилиятларини ошириб бориш мақсадида доимий баҳолаб бориш.

– Аудиторларни баҳолаб бориш КҚК МТ менежери томонидан Ўз ММИ ДМ директори билан келишилган ҳолда амалага оширилади. (аудиторлар малакаси, камида йилига 1 марта баҳоланиши тавсия қилинади).

Аудиторлар малакаси ва қобилиятини баҳолашда ISO 19011 стандартининг 7.6 бандидан фойдаланилмоғи лозим.

6. ЁЗУВЛАР.

Ички аудитни ўtkазиш режаси, сўров варақалари, номувофиқликлар тўғрисидаги баённома асли КҚК МТ менежерида, ички аудитни ўtkазиш режаси, сўров варақалари, номувофиқликлар тўғрисидаги баённома нусхалари бўлинмалар раҳбарларида сақланади. Ёзувларни олиб бориш, ёзувларни олиб бориш устидан назорат, ёзувларни сақлаш муддатлари ва уларни муддатлари тугагач бекор қилиш **П-01 “Хужжатлаштирилган маълумотларни бошқаршиш процедураси”** бўйича амалга оширилади.

№	Ёзувлар номланиши	Ёзувларни юритиш ва сақлаш бўйича жавобгар	Сақланиши		Амалдан чиқариш тартиби
			жойи	муддат	
1	П-03 Ф1 Ички аудит дастури	КҚК МТ менежери	«ИМТ ички аудит» папкаси	3 йил	Архив
2	П-03 Ф2 аудиторлар малакасини баҳолаш жадвали	КҚК МТ менежери	«ИМТ ички аудит» папкаси	3 йил	Архив

**КҚҚ МТ ички аудит текширувини бошқариш
процедураси**

КҚҚ МТ П-03

Таҳрир №: 01

варақ 18, жами
23

3	П-03 Ф3 Ички аудит режаси	Бош аудитор	«ИМТ ички аудит» папкаси	3 йил	Архив
4	П-03 Ф4 Ички аудит бўйича саволлар	Бош аудитор	«ИМТ ички аудит» папкаси	3 йил	Архив
5	П-03 Ф5 Номувофиқлик баённомаси	Бош аудитор	«ИМТ ички аудит» папкаси	3 йил	Архив
6	П-03 Ф6 Ички аудит бўйича ҳисобот	Бош аудитор	«ИМТ ички аудит» папкаси аудит	3 йил	Архив
7	П-03 Ф7 Номувофиқликлар жадвали	Бош аудитор	«ИМТ ички аудит» папкаси	3 йил	Архив

7. САҚЛАШ.

Мазкур хужжатнинг актуаль электрон ва қоғоз шаклидаги директор томонидан тасдиқланган актуаль версияси **коррупцияга қарши курашиш “комплаенс” назорат хизмати бош мутахасси- КҚҚ МТ менежерида сақланади.**

8. ИЛОВАЛАР.

П-03 Ф1

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўз ММИ ДМ директори
Л.Ф.Сайдорипов
“ ” 202_ й

202_ й. учун ички аудит дастури

№	Текшириладиган жараён / Бўлимлар ва конлар	Ойлар											
		Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь

КҚҚ МТ менежери

(имзо)

(ФИШ)



O'ZBEKISTON
MILLIY METROLOGIYA
INSTITUTI
UzNIM

Ўз ММИ ДМ хужжатлаштирилган маълумотлари

КҚК МТ П-03

Таҳрир №: 01

варақ 19, жами
23

**КҚК МТ ички аудит текширувини бошқариш
процедураси**



O'ZBEKISTON
MILLIY METROLOGIYA
INSTITUTI
UzNIM

Ўз ММИ ДМ хужжатлаштирилган маълумотлари

**КҚҚ МТ ички аудит текшируванини бошқариш
процедураси**

КҚҚ МТ П-03

Таҳрир №: 01

варақ 20, жами
23

П-03 Ф6

(тавсия қилинади)

Ички аудиторлар малакасини баҳолаш	Ички аудиторлар малакасини баҳолаш мезонлари																											
	Номи	Ички аудит процедурасини ўзлаштириш			ISO 37001 бўйича билими			ISO 19011 бўйича билими			Ўз ММИ ДМ хизмат турлари бўйича билими			Хужжатлар билан ишлаш қобилияти			методлар таҳлили бўйича билими			Иш тажрибаси, (йил)			Маълумоти			Аудитор сифатида тажрибаси (аудитлар сони)		
	Даража	аъло	ўрт	осн.	яхши	ўрт	осн.	аъло	ўрт	осн.	аъло	ўрт	осн.	аъло	ўрт	осн.	аъло	ўрт	осн.	> 5	1-3	< 1	маг	бак	ўрта.	>3	1-3	йўқ
20__ й. у-н малакага нисбатан мезонлар	Бош аудитор	x			x			x		x			x			x		x		x		x		x			x	
	аудиторлар	x			x			x		x			x			x		x		x		x		x			x	
	стажер			x			x		x		x			x		x		x		x		x		x			x	
1	Ф.И.Ш.																											
2																												
3																												
4																												
5																												
6																												
7																												
8																												
9																												
10																												

КҚҚ МТ Менежери _____



Ўз ММИ ДМ хужжатлаштирилган маълумотлари	
КҚҚ МТ ички аудит текшируванини бошқариш	КҚҚ МТ П-03
процедураси	Тахрир №: 01
	варақ 21, жами 23

П-03 ФЗ

“ТАСДИҚЛАНДИ”

Ўз ММИ ДМ директори

Л.Ф.Сайдорипов

“___” 202_ й

Ички аудит режаси

Стандарт:	
Қўлланиш соҳаси:	
Аудит санаси:	
Бош аудитор:	
Аудитор(лар):	

№	Сана/вақти	Жараён/ бўлим	Жавобгар (лавозими Ф.И.Ш.)	Аудитор(лар)	ISO 37001 пунктлари
1.					
2.					
3.		Танаффус			
4.					
5.					
6.					

Изоҳ: Режада белгиланган аудит вақти ўзгартирилиши мумкин.

Кимларга тарқатилди:

—

Бош аудитор

/Ф.И.Ш./



Ўз ММИ ДМ хужжатлаширилган маълумотлари

**КҚҚ МТ ички аудит текшируванини бошқариш
процедураси**

КҚҚ МТ П-03

Таҳрир №: 01

варақ 22, жами
23

П-03 Ф4

Аудит санаси _____

Аудит ўтказаладиган объект _____

Аудитор (лар): Ф.И.Ш, имзо _____

Аудит қилинувчи (лар) Ф.И.Ш, лавозим, имзо:

САВОЛЛАР ВАРАГИ № _____

Стандарт- лар пунктлари	Саволлар	Саволга жавоб берувчи (лавозим)	Кўлланиладиган хужжатларга ҳаволалар	Саволларга жавоблар, кузатув натижаси бўйича хуносалар, таҳлил қилинган хужжатлар



П-03 Ф6

Ички аудит бўйича ҳисобот

Стандарт:	
Кўлланиш соҳаси:	
Аудит санаси:	
Бош аудитор:	
Аудитор(лар):	
Текширилган жараёнлар / бўлимлар:	
Ички аудит натижаси:	
Хуносалар ва таклифлар:	



Ўз ММИ ДМ хужжатлаштирилган маълумотлари

КҚК МТ П-03
Тахрир №: 01
варақ 24, жами
24

КҚҚ МТ ички аудит текширувини бошқариш процедурасы

II-03 Φ7

Номувофиқликлар жадвали